

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯДА ШАХСИЙ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Шерзод Зокиров

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти
етакчи илмий ходими

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга оид айрим нормалар келтириб ўтилган.

***Калит сўзлар:** Конституция, инсон қадр, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, “инсон – жамият – давлат” тамойили, Habeas корпус институти, Миранда қоидаси.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены некоторые нормы, касающиеся прав и свобод личности, включенные в Конституцию Республики Узбекистан, принятую в новой редакции.

***Ключевые слова:** Конституция, достоинство человека, права и свободы личности, принцип “человек – общество – государство”, институт Habeas Корпус, правило Миранды.*

ABSTRACT

This article contains some norms concerning the rights and freedoms of the individual included in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, adopted in a new edition.

***Keywords:** Constitution, human dignity, human rights and freedoms, the principle of “human – society – state”, Habeas Corpus institute, Miranda rule.*

КИРИШ

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда “**Инсон қадр учун**” деган эзгу ғояни рўёбга чиқариш мақсадида ҳар бир соҳада кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотларга ҳамоҳанг тарзда мамлакатимиз Бош қомуси ҳисобланган Конституциямиз ҳам 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган умумхалқ референдумида янги таҳрирда қабул қилинди. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституция халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганини ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йил 16 ноябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишда “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди”, деган ҳаққоний эътироф алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аввалги тахрири 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқининг ваколатли вакиллари бўлмиш парламент аъзолари, яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлари томонидан қабул қилинган. Бундан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз Асосий Қонунининг янги тахрири бевосита умумхалқ референдумида – тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан қабул қилинди. Шу маънода, янги тахрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг ҳақиқий муаллифи халқнинг ўзидир. Фуқароларнинг хоҳиш-иродаси эса, ислохотларнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, инсон қадрини улуғлаш, ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланди.

Бундан олдин Конституцияга киритилган нормалар, асосан, давлат бошқаруви ташкилотларига тааллуқли бўлган бўлса, янги ўзгаришлар инсон қадри ва ҳуқуқларининг таъминланишига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Янги тахрирдаги Конституция 19-моддасида “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади” деган норма белгилаб қўйилган. Бу норма тимсолида Ўзбекистон Республикасида жаҳон миқёсида умумэтироф этилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар алоҳида ҳимоя қилинади.

Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда Янги Ўзбекистон – инсон шаъни ва кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланган давлат бўлиши, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши, “одамлар ташвиши билан яшаш”, халқимизнинг қонуний талаб-истаклари ва хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонига айланиши, барча муҳим қарорлар аҳоли иштирокида, фуқаролик жамияти институтлари

билан маслаҳатлашув асосида қабул қилиниши каби принцип ва ғояларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Конституциямизнинг аввалги таҳриридан фарқли ўлароқ, унинг янги таҳрирининг асосий ғояси шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, инсон шаъни ва кадр-қимматини таъминлаш, илгари мавжуд бўлган “давлат – жамият – шахс” парадигмасини янги: “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга оид янги, замонавий ва жуда муҳим нормаларнинг ҳаётга қатъий ҳамда изчил татбиқ этилиши юртимиз ва халқимиз тарихида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва кадр-қимматини улуғлаш борасида янги даврни бошлаб бермоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз”.

Янгиланган Конституция нормаларига синчиклаб назар ташланса, унда халқаро стандартлар ва илғор ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигида мавжуд нормалар ўз ифодасини топганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Хусусан, Асосий қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли эканлигини белгиловчи янги норма киритилди. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиз эканлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда инсоннинг кадр-қимматига, унинг шахсий ҳаёти ва унга нисбатан ҳар қандай зўравонликлардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Яъни, инсонга нисбатан ҳар қандай шафқатсиз муносабат ёки қийноқларга йўл қўймаслиги назарда тутилган. Бунда давлат органларининг инсон ҳуқуқларини бузишга уринган ҳар қандай ҳаракатлари қонун олдида жавобгарликка тортилиши мустаҳкамланган.

Шунингдек, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, ҳамда ҳеч бир шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги ҳам қайд этилганлигини таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ушбу муддат ушлаб туриш қонунийлиги ва асослиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши (“Хабеас корпус”

институти) ҳамда шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши кераклиги (“Миранда қоидалари”), шунингдек, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан киритилган “Хабеас корпус” институти ва “Миранда” қоидасини ривожлантиришга қаратилган норма Бош Қомусимизда акс этгани инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият, деган эзгу тамойилга ҳар томонлама мос келади, десак асло муболаға бўлмайди.

Янги Конституциянинг муҳим ўзгаришларидан яна бири – бу эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг мустаҳкамланиши бўлди. Мазкур норма замирида ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлигига йўналтирилган ҳуқуқий асосларни яратди.

Шахсий маълумотларни сақлаш ва ишлатиш қонунларига мувофиқ амалга оширилиши, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмаслиги кафолатланди. Бу ўзгаришлар инсоннинг ахборот хавфсизлиги ва шахсий ҳаётини муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мухтасар айтганда, бугун Конституциямизнинг янги нормаларида асосий эътибор инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, шу жумладан, шахсий ҳуқуқ ва эркинларни қатъий таъминлашга қаратилганини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Янги таҳрирдаги Асосий Қонуннинг қабул қилиниши билан бу борада янада мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асос яратилди. Бинобарин, Янги Ўзбекистон ўзининг ушбу соҳалардаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқлигини яна бир бор намоён этди.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES):

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши // <https://lex.uz/docs/6663721>
3. <https://yuz.uz/news/inson-qadri-biz-uchun-qandaydir-mavhum-balandparvoztushuncha-emas---prezident>